

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВА МАХБУБА МИРХАЛИЛОВНА

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА
РЕНТАБЕЛЛИК ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt1003 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Авлокулов Анвар Зиядуллаевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Пардаев Мамаюнус Каршибаевич**
иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдусаломова Нодира Баходировна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З. Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмийкотиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.Н. Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида коронавирус пандемиясининг кенг тарқалиши кўплаб тармоқларда фаолият юритаётган компанияларда фойда миқдорининг камайиши ва молиявий ҳолатининг ёмонлашишига олиб келмоқда. «Хусусан, энг йирик компаниялар - Exxon Mobil, Total, Shell, Petrobras, Chevron ва BP 2020 йилнинг январь-июль ойларида 61,7 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган»¹. Мазкур ҳолатлар нафақат компанияларнинг фаолиятига, балки улар билан мунтазам алоқада бўлган бошқа субъектларга ҳамда мамлакатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир этган. Шу боисдан жаҳон малакатларида компаниялар томонидан молиявий натижалар кўрсаткичларини мунтазам таҳлил қилиш ва фойда миқдорини ошириш талаб этилмоқда.

Жаҳон амалиётида инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг шакллантирилиши жараёнида молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилининг ташкилий-услугий жиҳатларини ривожлантириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили, молиявий натижаларни шакллантириш ва тақсимлашнинг танқидий таҳлили, компаниялар баланс қиймати ва рентабеллиги ўртасидаги боғлиқликнинг таҳлили, ялпи даромад тўғрисида ҳисобот таҳлилининг такомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилган. Бироқ, акциядорлик жамиятларида рентабеллик таҳлилида моделларни қўллаш, оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида рентабеллик таҳлилининг амалга ошириш алгоритмидан фойдаланиш, рентабелликнинг омилли таҳлилининг қўллаш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозирги кунгача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашида маҳаллийлаштириш дастурини кенг кўламда амалга ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш муҳим ўрин тутди. «...очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим»²лиги бўйича устувор вазифанинг белгиланиши маҳсулот таннархини камайтириш, фойда миқдорини ошириш ва рентабеллик кўрсаткичларини яхшилаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда халқаро тажрибалар асосида молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлили услубиётини янги мазмунда такомиллаштириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ <https://assets.oxfamamerica.org/media/documents/bp-power-profits-pandemic-100920-en.pdf>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни мамлакатимиз Парламентига Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 28 январь.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида», 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 26 январдаги 38-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилининг назарий ҳамда услубий асослари ва уни такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улар жумласига Ch.H.Gibson, О.И.Гусарова, Б.Т.Жарылгасова, А.И.Нечитайло, В.Ф.Палий, Я.В.Соколов, N.Trabelsi, Dr.M.Tulsiani киритиш мумкин³.

Республикаimiz иқтисодчи олимларидан А.И.Алиқулов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, А.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев, Б.А.Хасановнинг асарларида молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва таҳлилининг назарий жиҳатларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари ва йўналишлари ўрганилган⁴.

³ Charles H. Gibson. Financial Reporting & Analysis. Eleventh Edition. South-Western Cengage Learning, USA. 2009. 608 p., Гусарова О.И. Аудит финансовых результатов промышленного предприятия. //Аудиторские ведомости. -2004.-№1.-январь.-28 с.; Жарылгасова Б.Т. Методология управленческого учета затрат и формирования финансовых результатов в сельскохозяйственных организациях. Монография. -М.: Дашков и К, 2007. – 128 стр.; Нечитайло А.И. Регулятивы финансовых результатов в системе бухгалтерского учета: научное издание. Монография. – СПб.: Изд-во РГТМУ, 2007. – 166 стр.; Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности. – Москва: ИНФРА-М, 2003. – 454 с.;Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. –М.: Финансы и статистика, 2000. 36-б.; Trabelsi N. IFRS 15 Early adoption and accounting information: case of real estate companies in Dubai. //Academy of Accounting and Financial Studies Journal Volume 22, Issue 1, 2018. <https://www.abacademies.org>; Tulsian. Dr. Monica. Profitability Analysis (A comparative study of SAIL & TATA Steel). IOSR Journal of Economics and Finance e-ISSN: 2321-5933. Volume 3, Issue 2. Ver. I (Mar. - Apr. 2014), PP 19-22 www.iosrjournals.org;

⁴АлиқуловА.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2011. – 188 б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва кишлок хўжалиги махсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент:

Шунингдек, А.З.Авлокулов, Х.Д.Ахмедов, З.Ф.Иватов, М.Б.Калонов, А.Р.Мухамедходжаев, М.Ю.Рахимов, А.Ж.Туйчиев, Ш.У.Хайдаров, А.С.Шамшетовнинг диссертация ва монографияларида молиявий натижалар таҳлилининг илмий жиҳатдан асосланишига замин яратилган⁵.

Таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилни методологик муаммоларини ўрганишга кенг эътибор қаратилмаган ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иқтисодиётни модернизациялаш шароитига мувофиқ ўзгариб бориши ушбу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акциядорлик жамиятларида молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилинини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

молиявий натижалар ва рентабеллик тушунчаларини, уларнинг тавсифланишини назарий жиҳатдан асослаш;

молиявий натижага дахлдор элементлар (даромад, харажат, фойда, зарар) бўйича бухгалтерия маълумотларини шакллантириш жараёнини тадқиқ этиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий натижаларнинг шаклланиш тартибини тадқиқ этиш;

2002. – 42 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 152 б.; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Тошкент: 2008. – 252 б.; Пардаев М.К. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилни назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. автореф. – Тошкент: Ўз.Р БМА. 2002. – 43 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2004. – 42 б.

⁵ Авлокулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити: назария, методология ва амалиёт. Монография. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2019. -192 б.; Ахмедов Х.Д. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент. 2007.-22 б.; Иватов З.Ф. Молиявий натижалар аудитини такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2006.- 23 б.; Калонов М.Б. Даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили услубиёти. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019 йил. – 275 бет; Мухамедходжаев А.Р. Бозор муносабатларига ўтиш даврида товарларни сотиш, молиявий натижаларнинг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент, 2003.-22 б.; Рахимов М.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик автореферати. –Тошкент, 1999.-23 б.; Туйчиев А.Ж. Рақобатчилик муҳити шаклланаётган тармоқ корхоналарида маҳсулотларни сотиш ҳамда молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби в таҳлилинини такомиллаштириш. Монография. -Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. -152 б.; Хайдаров Ш.У. Бухгалтерский учет и анализ финансовых результатов предприятий розничной торговли потребительской кооперации в условиях рыночной экономики: автореферат дис. ... кандидата экономических наук: 08.00.12.- Москва, 1993.- 22 с.; Шамшетов А.С. Молиявий натижалар аудити ва таҳлилинини такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент, 2007. -23 б.

молиявий натижалар стратегик таҳлилининг амалдаги ҳолатини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усулларини таснифлаш, ташкил қилиш ва амалга оширишни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

акциядорлик жамиятларида оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини аниқлаш тартибини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

молиявий натижа ва рентабелликнинг омилли таҳлилинди такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғидаги акциядорлик жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети акциядорлик жамиятларида молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилинди такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ҳисоб сиёсатиға 9221-«Ортиқча товар-моддий захираларнинг кириш қилинишидан олинган фойда» ишчи счётини киритиш асосида молиявий натижаларнинг таҳлилий (аналитик) ҳисоби такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятлари ҳисоб сиёсатиға молиявий ҳисоботларни прогноз қилиш босқичини киритиш орқали молиявий натижалар бўйича ахборот имкониятлари оширилган;

молиявий таҳлилда хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллик кўрсаткичларини муҳимлик даражаси бўйича баҳолашнинг ахборот таъминоти тизими ишлаб чиқилган;

жорий активларнинг айланиш тезлиги ва қарз капиталиға нисбати кўрсаткичини киритиш асосида молиявий левеижнинг 5,25 % ва соф фойданинг маҳсулот сотишдан олинган соф тушумға нисбатининг 2,03 %ға ошиши ҳисобига хусусий капитал рентабеллигининг 2,08 %ға ошириш имконияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларида бизнес-режани ишлаб чиқишда рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усулларининг такомиллашган таснифи таклиф этилган;

акциядорлик жамиятларида молиявий натижаларни стратегик таҳлилдди кўрсаткичларига бозор муҳити ва маҳсулот фойдалилиги кўрсаткичларини киритиш асосланган;

оқилонга бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида рентабеллик таҳлилинди амалга ошириш алгоритми таклиф этилган;

соф фойдани маҳсулот сотишдан олинган соф тушумға нисбати кўрсаткичини киритиш асосида сотиш рентабеллигининг 8,57 %ға ошиши,

жорий активларни мустаҳкамлаш коэффициентининг 39,49 %га камайиши ҳисобига активлар рентабеллигини 14,5 %га ошириш имконияти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг юқорилиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончилик талабларига жавоб бериши, Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғидаги акциядорлик жамиятлари тизимидаги корхоналарнинг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар акциядорлик жамиятларида молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилининг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан акциядорлик жамиятларида молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлили жараёнида қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш ва асослашда, молиявий натижаларни шакллантиришда, уларни ҳисоботда ишончилик акс эттиришда, молиявий ҳисобот маълумотларини шакллантиришда молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилининг ўтказишда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Акциядорлик жамиятларида молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилининг такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳисоб сиёсатида 9221-«Ортиқча товар-моддий захираларнинг кирим қилинишидан олинган фойда» ишчи счётини киритиш асосида молиявий натижаларнинг таҳлилий (аналитик) ҳисоби такомиллаштириш бўйича таклифи «Тошкентдонмахсулотлари» АЖнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Тошкентдонмахсулотлари» АЖнинг 2021 йил 15 мартдаги 4/189-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралар устидан қатъий назорат таъминланиб, молиявий натижалар бўйича ахборотларнинг шаффофлигига эришилган;

акциядорлик жамиятлари ҳисоб сиёсатида молиявий ҳисоботларни прогноз қилиш босқичини киритиш орқали молиявий натижалар бўйича ахборот имкониятлари ошириш бўйича таклифи «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ, «Тошкентвино» АЖ, «Ўзғёмойсаноат» уюшмаларининг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Тошкентдонмахсулотлари» АЖнинг 2021 йил 15 мартдаги 4/189-сон, «Тошкентвино» АЖнинг 2021 йил 19 мартдаги 02/209-сон, «Ўзғёмойсаноат» уюшмасининг 2020 йил 29 октябрдаги 03/3-1172-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятларида молиявий натижалар хусусидаги ахборотларнинг ишончилиги таъминланишига ҳамда рентабеллик кўрсаткичларининг тўғри аниқланишига эришилган;

молиявий таҳлилда хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллик кўрсаткичларини муҳимлик даражаси бўйича баҳолашнинг ахборот таъминоти тизими ишлаб чиқиш бўйича таклифи «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ ва «Тошкентвино» АЖлари томонидан тизим корхоналарини таҳлил қилиш жараёнида фойдаланилган («Тошкентдонмахсулотлари» АЖнинг 2021 йил 15 мартдаги 4/189-сон, «Тошкентвино» АЖнинг 2021 йил 19 мартдаги 02/209-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллик кўрсаткичларини қисқа вақтда аниқлаш ва тўғри баҳолаш имконини берган;

жорий активларнинг айланиш тезлиги ва қарз капиталига нисбати кўрсаткичини киритиш асосида молиявий левежишнинг 5,25 % ва соф фойданинг маҳсулот сотишдан олинган соф тушумга нисбатининг 2,03 %га ошиши ҳисобига хусусий капитал рентабеллигининг 2,08 %га ошириш имконияти аниқлаш бўйича таклифи «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ томонидан бошқарув қарорларини қабул қилишда ўз аксини топган («Тошкентдонмахсулотлари» АЖнинг 2021 йил 15 мартдаги 4/189-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида хусусий капитал компонентлари ўзгаришини узлуксиз ва динамик тарзда назорат қилиш ҳамда акциядорлик жамиятида молиявий барқарорликни ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 1 та гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамдаобъекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ваамалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилининг назарий асослари**» деб номланиб, унда молиявий натижага дахлдор элементлар, уларнинг иқтисодий моҳияти ва замонавий жиҳатлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг мақсади, вазифалари ва умумий қоидалари, хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллигини таҳлил қилишнинг аҳамияти тадқиқ этилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида фойда асосий ва муҳим натижавий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун, унинг миқдорини аниқлаш орқали фаолият ва бошқарув самарадорлигига баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади.

Фойда мураккаб иқтисодий категория ҳисобланади. Шу сабабли ҳам уни иқтисодий фанларда турли хил таърифлаш, изоҳлаш, таснифлаш кузатилади. Барча иқтисодий таълимотларда фойданинг мазмун-моҳиятини фойдани тушуниш ва уни шакллантиришидаги концепциялар бўйича олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Шуни таъкидлаш керакки, фойда тушунчаси хўжалик юритувчи субъект фаолияти тури билан боғлиқ бўлиб, у доимий равишда ўзгариб боради. Иқтисодий таълимотлар тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, фойда тушунчаси деярли барча барча таълимотларда ўз аксини топган.

Инглиз иқтисодчиси Ж.С.Миллнинг таъкидлашича, «фойда маъмурият маоши ва фоизлар билан бир қаторда бошқа элементни яъни, риск учун тўловни ҳам ўз ичига олади»⁶.

Француз иқтисодчиси Ж.Б.Сэй, «фойдани иш ҳақининг бир тури сифатида кўриб чиққан ҳолда, фойда ва фоиз тушунчаларини фарқлашни талаб қилди»⁷. Курсель-Сеней Куйе «фақат битта элементни – риск учун тўловни ажратиб кўрсатади. Бунда фойда иш ҳақининг бир тури эмас, балки фақат рискни ўз зиммасига олиш билан боғлиқ» деб таъкидлайди⁸.

Иқтисодий талқин доирасида В.В.Ковалёв фойда (зарар) ни ҳисобот даврида рўй берган мулк эгалари капиталининг ўсиши (камайиши) сифатида тавсифлайди⁹.

Бошқа иқтисодчи олимлар эса, фойданинг иқтисодий таърифини бошқача изоҳлайдилар. Жумладан, О.В.Ефимова фойдани ташкилот фаолиятининг молиявий натижаси сифатида таърифлаб, «ҳақиқатда якуний натижа бу уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган натижа» эканлигини таъкидлайди ва жаҳон амалиётида бунда «соф активларнинг кўпайиши» кўзда тутилади¹⁰.

З.Н.Қурбонов ва К.М.Мисировларнинг таъкидлашича, фойда – товарлар ва хизматларни сотишдан олинган даромаднинг бу товарларни ишлаб

⁶ Naoko Maehara. John Stuart Mill's Theory of the Stationary State in Connection with the Law of the Falling Rate of Profit. // Political Economy Quarterly. Volume 47 (2010), Issue 3

⁷ Сэй Ж.-Б. Трактат по политической экономии / Ж.-Б. Сэй, Ф. Бастиа. Экономические софизмы. Экономические гармонии. М.: Дело, 2 000. 232 с.

⁸ Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. 4-е изд. М.: Дело, 1994.

⁹ Ковалёв В. В. Финансовый анализ: методы и процедуры. М.: Финансы и статистика, 2006.

¹⁰ Ефимова О. В. Анализ финансовой отчетности. М.: Омега-Л, 2006.

чиқариш ва сотиш харажатларидан ортиқ қисмидир¹¹.

А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов ва А.З.Авлоқуловлар «Молиявий натижалар - бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади» деб таъкидлайдилар¹². Ушбу таъриф молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича тушумни таърифлашга мос келади.

Жаҳон миқёсида иқтисодиётларнинг глобаллашуви, савдо алоқаларининг кенгайиши мамлакатлар ўртасида тузиладиган молиявий ҳисоботларни бир хил тарзда тузишни тақозо этади. Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур стандартлар талаблари асосида молиявий ҳолат тўғрисида, ялпи даромад тўғрисида, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботларни тузиш бўйича қоидалар ишлаб чиқилган.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари инвестицион жозибадорликни ошириш, ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш, оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини яратади.

Маълумки, жаҳон мамлакатларида ривожланишида турли хил тафовутлар учрайди. Бундан ташқари муаян бир давлатнинг қонунчилиги бошқа давлатникидан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг фарқланишига олиб келади. Шу боисдан жаҳон миқёсида молиявий ҳисоботларнинг унификация қилиниши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг (МҲХС) фаол жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4720-сон фармони, 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон Қарори, 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори талаблари билан бевосита боғлиқдир.


Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларда белгиланган вазифалар 1-расмда келтирилган.

МҲХС бўйича молиявий ҳисобот инвесторлар ва бошқа фойдаланувчиларга ҳисобот санасида юзага келган компания фаолияти ҳақида кенгроқ ва ишончлироқ маълумотлар тақдим этади, чунки

¹¹Qurbanov Z.N., Misirov K.M. Moliyabiy va boshqaruv hisobi. Darslik. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. -752 б. 646-бетдан.

¹² Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: «Шарк» НМАК, 2004. - 592 б.

бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) билан таққослаганда кўпроқ ҳажмдаги маълумотларни қамраб олади. Бу молиявий натижалар ва молиявий ҳолат динамикасини тадқиқ этиш, бошқарув мақсадларида бизнесни баҳолаш ва башорат қилиш учун таҳлилий амалларнинг кенгрок доирасини қўллашга имкон беради.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таркиби¹³

¹³Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида МҲХСни жорий этиш масаласи жаҳон мамлакатларидаги каби долзарб бўлиб қолмоқда.

МҲХС молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнида молиявий-хўжалик операцияларни акс эттириш, активлар ва мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш ва ахборотларни очиқ бериш талабларини белгилаб берадиган принцип ва қоидалар мажмуи ҳисобланади. Бу стандартлар тизими молиявий ҳисобот тузиш билан боғлиқ барча асосий масалаларни қамраб олади.

МҲХСга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларни таҳлил қилишдан мақсад ахборотдан турли фойдаланувчилар оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиши учун хўжалик юритувчи субъект молиявий натижалари ва молиявий ҳолати асосий тавсифларини беришдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг муваффақиятли фаолияти кўп жиҳатдан бухгалтерия ҳисобининг тўғри ташкил қилиниши ва иқтисодий таҳлилга боғлиқ. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг муҳимлигини етарлича баҳоламаслик, фойдали маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ва уни таҳлил қила олмаслик, уларнинг ички ва ташқи бозордаги фаолиятидан ижобий самара олишига салбий таъсир кўрсатади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган маълумотларни тўғри таҳлил қилиш учун бухгалтерия ҳисобининг ахборот таъминотини такомиллаштириш зарур. Тадқиқотлар натижасида акциядорлик жамиятларида бухгалтерия маълумотларини шакллантиришнинг амалдаги тизимига молиявий таҳлил ва молиявий ҳисоботни прогноз қилиш босқичларини киритиш таклиф этилди (2-расм).

Акциядорлик жамиятлари бухгалтерия маълумотларини шакллантиришнинг амалдаги тизимига молиявий таҳлил ва молиявий ҳисоботни прогноз қилиш босқичларининг киритилиши бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг, таҳлилнинг ахборот таъминотининг тўлиқлиги ва ишончилигини таъминлашга, молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларининг тўғри аниқланишига хизмат қилади.


Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигига баҳо беришда жуда кўплаб кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бироқ мазкур кўрсаткичлар таркибида рентабеллик муҳим ўрин тутиб, фаолият самарадорлигига баҳо беришда юқори аниқликни таъминлайди.

Рентабеллик атамасининг луғавий маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, у немисча *rentabel* сўзидан олинган бўлиб, хўжалик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ, ўзини оқлайдиган харажатлар, фойдали, даромадли маъносини англатади¹⁴.

М.Ю.Рахимов ва Н.Н.Қаландарованинг фикрига кўра, рентабелликнинг иқтисодий мазмунини моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан,

¹⁴ Борисов, А.Б. Большой экономический словарь. - М.: Книжный мир, 2003.

шунингдек, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифода этади¹⁵.



2-расм. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия маълумотларини шакллантириш тизими¹⁶

¹⁵Raximov M.Yu., Kalandarova N.N. Moliyaviy tahlil. Darslik. –T.: «Iqtisod-molya», 2019. -736 b. 530-betdan.

¹⁶Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Иқтисодчи олим М.Тулсианнинг қайд этишича, рентабеллик нисбий тушунча бўлиб, у фойда билан бевосита боғлиқ. Аммо, бу иккала тушунча 2 хил талқин қилинади. Рентабеллик таҳлили капиталдан фойдаланиш ва фаолият самарадорлигини баҳолашнинг энг яхши усулларида биридир¹⁷.

Хорватиялик иқтисодчи олим Н.О.Беденикнинг таъкидлашича, фойда дейилганида маҳсулот сотиш баҳосининг унинг таннархидан ошиши, рентабеллик деганда эса, фаолиятини амалга ошириш жараёнида фойдани ошириш имконияти тушунилади¹⁸.

М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов ва Ж.И.Исроиловларнинг фикрича, рентабеллик корхона фаолияти самарадорлигини ифодаловчи сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Корхона рентабеллиги даражаси асос кўрсаткичининг фойдалилик миқдорини ифодалайди¹⁹.

Индонезиялик иқтисодчи олимлар Ф.Маргарета ва Н.Супартикалар қайд этишича, рентабеллик компания фаолияти самарадорлигини ифодаловчи коэффициент бўлиб, компаниянинг муаяйн ҳисобот даврида фойдани яратиш қобилиятини акс эттиради²⁰.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, рентабеллик кўрсаткичи нисбий бўлганлигини учун фойданинг сифатини ифодаловчи бошқа кўрсаткичлардан устун туради ҳамда хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилининг амалдаги ҳолати»** деб номланган иккинчи бобида молиявий натижалар таркиби, структураси ва динамикаси таҳлили, рентабелликни таҳлил қилишнинг амалдаги ҳолати, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини аниқлашни такомиллаштириш йўналишлари ёритилган.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот молиявий ҳисобот шаклларида бири ҳисобланиб, хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисобот даврида сарланган харажатлар, олинган даромадлар, фойда ва зарарлар тўғрисида маълумотлардан таркиб топади. Мамлакатимизда мазкур ҳисобот шакли бухгалтерия баланси билан биргаликда ҳар чоракда топшириладиган ҳисоботлардан бири ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилда ҳам мазкур ҳисобот маълумотларидан кенг фойдаланилади. Таҳлил жараёнида молиявий натижалар билан биргаликда рентабеллик кўрсаткичларига ҳам баҳо берилади. Мазкур параграфда биз

¹⁷ Dr. Monica Tulsian. Profitability Analysis (A comparative study of SAIL & TATA Steel). //IOSR Journal of Economics and Finance (IOSR-JEF) e-ISSN: 2321-5933, p-ISSN: 2321-5925. Volume 3, Issue 2. Ver. I (Mar. - Apr. 2014), PP 19-22

¹⁸ Nidzara Osmanagic Bedenik. Business between Profitability and Sustainability. Manual. EFZG WORKING PAPER SERIES. ISSN 1849-6857. No. 18-03

¹⁹ Pardayev M.Q., Isroilov J.I., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O`quv qo`llanma. –T.: «Print Line Group» XK, 2017. - 534 b. 387-betdan.


²⁰ Farah Margaretha, Nina Supartika. Factors Affecting Profitability of Small Medium Enterprises (SMEs) Firm Listed in Indonesia Stock Exchange. // Journal of Economics, Business and Management, Vol. 4, No. 2, February 2016

молиявий натижаларнинг таркиби, динамикаси ва структураси таҳлилига эътибор қаратамиз.

Умуман олганда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилишдан мақсад ҳисобот даврида хўжалик юритувчи субъект томонидан олинган тушум, даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар динамикасига, таркиби ва структурасига баҳо бериш ҳисобланади. Таҳлил натижасида фойдани ошириш имкониятлари аниқланади ҳамда унинг ҳажмини ошириш имкониятлари изланади.

Қуйида «G'alla-alteg» АЖ, «Toshkent Yog'-Moy Kombinati» АЖ, «Toshkentvino Kombinati» АЖда жами даромадларининг ўзгаришини кўриб чиқамиз (3-расм).


3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, «G'alla-alteg» АЖ ва «Toshkentvino Kombinati» АЖда жами даромадларида барқарор ўсиш кузатилган. Бироқ, «Toshkent Yog'-Moy Kombinati» АЖда жами даромадлари 2015 йилдан 2017 йилгача ўсиш тенденциясига эга, бироқ, 2018 ва 2019 йилларда жами даромадлари камайган. Бунга асосий сабаб 2019 йилда мазкур жамиятда маҳсулот сотишдан олинган тушум 2018 йилга нисбатан кескин камайганлигидир.



3-расм. «G'alla-alteg» АЖ, «Toshkent Yog'-Moy Kombinati» АЖ, «Toshkentvino Kombinati» АЖда жами даромадларининг ўзгариши, млн. сўмда²¹

²¹«G'alla-alteg» АЖ, «Toshkent Yog'-Moy Kombinati» АЖ, «Toshkentvino Kombinati» АЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

4-расмда «G‘alla-alteg» АЖ, «Toshkent Yog‘-Moy Kombinati» АЖ, «Toshkentvino Kombinati» АЖда жами харажатларининг ўзгаришини кўриб чиқамиз.



4-расм. «G‘alla-alteg» АЖ, «Toshkent Yog‘-Moy Kombinati» АЖ, «Toshkentvino Kombinati» АЖда жами харажатларининг ўзгариши, млн. сўмда²²

4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, «G‘alla-alteg» АЖ ва «Toshkentvino Kombinati» АЖда жами харажатларида йилдан-йилга ўсиш кузатилган. Бирок, «Toshkent Yog‘-Moy Kombinati» АЖда жами харажатлари 2019 йилда кескин камайган. Бунга асосий сабаб 2019 йилда мазкур жамиятда сотилган маҳсулот таннархининг 2018 йилга нисбатан кескин камайганлигидир.

Акциядорлик жамиятлари харажатлари таркибида давр харажатлари ҳам муҳим ўрин тутди. 1-жадвалда «G‘alla-alteg» АЖ, «Toshkent Yog‘-Moy Kombinati» АЖ, «Toshkentvino Kombinati» АЖ давр харажатларининг таркиби ва салмоғи кўриб чиқилган.

²²«G‘alla-alteg» АЖ, «Toshkent Yog‘-Moy Kombinati» АЖ, «Toshkentvino Kombinati» АЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-жадвал

«G‘alla-alteg» АЖ, «Toshkent Yog‘-Moy Kombinati» АЖ, «Toshkentvino Kombinati» АЖ давр харажатларининг таркиби ва салмоғи
(минг сўмда)²³

| Кўрсаткич-лар | 2015 йил | | 2016 йил | | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | |
|---|----------|-----------------|----------|-----------------|----------|-----------------|----------|-----------------|----------|-----------------|
| | Жами | Салмоғи, %да | Жами | Салмоғи, %да | Жами | Салмоғи, %да | Жами | Салмоғи, %да | Жами | Салмоғи, %да |
| «G‘alla-alteg» АЖ | | | | | | | | | | |
| Сотиш харажатлари | 124500 | 1,4 | 175540 | 1,4 | 150436 | 1,4 | 382398 | 3,0 | 895684 | 7,2 |
| Маъмурий харажатлар | 962707 | 11,0 | 1284276 | 10,3 | 1482682 | 13,4 | 2159156 | 17,0 | 2203161 | 17,7 |
| Бошқа операцион харажатлар | 7655452 | 87,6 | 11010503 | 88,3 | 9459358 | 85,3 | 10160898 | 80,0 | 9350352 | 75,1 |
| Давр харажатлари, жами | 8742659 | 100,0 | 12473319 | 100,0 | 11092476 | 100,0 | 12702452 | 100,0 | 12449197 | 100,0 |
| «Toshkent Yog‘-Moy Kombinati» АЖ | | | | | | | | | | |
| Сотиш харажатлари | 628705 | 6,7 | 833351 | 5,2 | 757470 | 4,6 | 971511 | 5,7 | 493801 | 4,4 |
| Маъмурий харажатлар | 2104607 | 22,3 | 2541125 | 15,9 | 3228135 | 19,8 | 4281959 | 25,0 | 3725978 | 33,2 |
| Бошқа операцион харажатлар | 6717609 | 71,1 | 12595699 | 78,9 | 12323894 | 75,6 | 11896336 | 69,4 | 6995022 | 62,4 |
| Давр харажатлари, жами | 9450921 | 100,0 | 15970175 | 100,0 | 16309499 | 100,0 | 17149806 | 100,0 | 11214801 | 100,0 |
| «Toshkentvino Kombinati» АЖ | | | | | | | | | | |
| Сотиш харажатлари | 17682966 | 47,9 | 24840341 | 55,8 | 19310797 | 46,6 | 33086524 | 46,6 | 26516945 | 58,5 |
| Маъмурий харажатлар | 4072811 | 11,0 | 4073173 | 9,2 | 4660091 | 11,2 | 4668818 | 6,6 | 5953297 | 13,1 |
| Бошқа операцион харажатлар | 15164644 | 41,1 | 15570883 | 35,0 | 17456075 | 42,1 | 33204464 | 46,8 | 12869585 | 28,4 |
| Давр харажатлари, жами | 36920421 | 100,0 | 44484397 | 100,0 | 41426963 | 100,0 | 70959806 | 100,0 | 45339827 | 100,0 |

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, учала акциядорлик жамиятларида ҳам 2019 йилга келиб, жами давр харажатларининг 2018 йилга нисбатан камайганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан давр харажатлари «G‘alla-alteg» АЖда 253255 минг сўмга, «Toshkent Yog‘-Moy Kombinati» АЖда 5935005 минг сўмга, «Toshkentvino Kombinati» АЖ 25619979 минг сўмга камайган.

Рентабеллик кўрсаткичлари турли-туман бўлиб, иқтисодчи олимларнинг асарларида уларнинг энг кўп қўлланиладиган турлари келтирилган. Қуйидаги жадвалда иқтисодчи олимлар томонидан аниқланиши зарур бўлган кўрсаткичлар ифодаланган (2-жадвал).

²³«G‘alla-alteg» АЖ, «Toshkent Yog‘-Moy Kombinati» АЖ, «Toshkentvino Kombinati» АЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодчи олимларнинг асарларида рентабеллик кўрсаткичларининг қайд этилиши ҳолатлари²⁴

| Рентабеллик Кўрсаткичлари | Ковалёв В.В. | Донцова Л.В. Никифорова Н.А. | Пардаев М.Қ. | Савицкая Г.В. | Шеремет А.Д. | Войтоловский Н.В. | Ваҳобов А.В. Ишонқулов Н.Ф. | Бернстайн Л.А. | Рахимов М.Ю. | Шағиясов Т.Ш. | Авлоқулов А.З. | Плаксова Н.С. | Ефимова О.В. | Жами | Кўрсаткич вазни |
|--|--------------|---------------------------------|--------------|---------------|--------------|-------------------|--------------------------------|----------------|--------------|---------------|----------------|---------------|--------------|-----------|-----------------|
| 1.Активлар рентабеллиги(ROA) | + | + | + | + | + | + | + | + | + | + | + | + | + | 13 | 0,17 |
| 2.Хусусий капитал рентабеллиги(ROE) | + | + | + | + | + | + | + | + | + | + | + | + | + | 13 | 0,17 |
| 3.Жорий активлар рентабеллиги(RCA) | | | + | | | + | + | | + | + | | + | + | 7 | 0,09 |
| 4.Узоқ муддатли активлар рентабеллиги(RFA) | | | + | | | + | + | | + | + | | | | 5 | 0,07 |
| 5.Инвестициялар рентабеллиги(ROI) | + | + | | | | | | + | + | + | + | + | + | 8 | 0,10 |
| 6.Сотиш рентабеллиги(ROS) | + | + | + | + | + | + | + | | + | + | + | + | + | 12 | 0,16 |
| 7.Маҳсулот рентабеллиги(ROM) | | | + | + | | | | | + | + | + | + | + | 7 | 0,09 |
| 8.Соф рентабеллик | | + | | | | | + | | | | + | | | 3 | 0,04 |
| 9.Ишлаб чиқариш рентабеллиги | | | + | | | + | + | | + | + | | | | 6 | 0,08 |
| 10.Товар моддий захиралари рентабеллиги | | | | | | | | | | | + | | | 1 | 0,01 |
| 11.Асосий фаолият рентабеллиги | | | | | | | | | + | | | | | 1 | 0,01 |
| 12.Асосий воситалар рентабеллиги | | | | | | | | | + | | | | | 1 | 0,01 |
| ЖАМИ | | | | | | | | | | | | | | 77 | 1,00 |

Демак, иқтисодчи олимларнинг асарларида активлар рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги, сотиш рентабеллиги, жорий активлар рентабеллиги ва инвестициялар рентабеллиги кўрсаткичлари кўп қайд этилганлиги сабабли, мазкур кўрсаткичларнинг вазни (салмоғи) юқориқдир. Ушбу кўрсаткичларнинг вазнини инобатга олган ҳолда рентабелликнинг жамланма кўрсаткичи ҳамда хўжалик юритувчи субъект рентабеллигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллик кўрсаткичларини тўғри таҳлил қиладиган ва натижаларни аниқ баҳолайдиган электрон дастур яратилди ва Интеллектуал мулк агентлигидан гувоҳнома олинди (*№ DGU 20210090 15.02.2020й.*).

²⁴Иқтисодчи олимларнинг қарашларини умумлаштирган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Дастурни қўллаш асосида рентабелликнинг жамланма кўрсаткични баҳолашнинг куйида келтирилган даражалари тавсия этилди:

0 дан паст бўлса – қониқарсиз;

0-5 гача – паст;

5-10 гача – ўрта;

10 дан юқори – юқори.

Мазкур рентабелликни баҳолаш кўрсаткичларини «G'alla Alteg» АЖ, «Toshkent Yog'-Moy Kombinati» АЖ ва «Toshkentvino Kombinati» АЖда қўллаш натижасида 3-жадвалда келтирилган натижаларга эришилди (3-жадвал).

3-жадвал

«G'alla Alteg» АЖ, «Toshkent Yog'-Moy Kombinati» АЖ ва «Toshkentvino Kombinati» АЖда рентабелликнинг жамланма кўрсаткичини аниқлаш²⁵

| Рентабеллик кўрсаткичлари, %да | «G'alla Alteg» АЖ | | «Toshkent Yog'- Moy Kombinati» АЖ | | «Toshkentvino Kombinati» АЖ | |
|---|----------------------|--------------|--------------------------------------|-------------|--------------------------------|--------------|
| 1.Активлар рентабеллиги (ROA) | 21,75 | 3,70 | 4,79 | 0,81 | 16,95 | 2,88 |
| 2.Хусусий капитал рентабеллиги (ROE) | 56,49 | 9,60 | 11,25 | 1,91 | 37,49 | 6,37 |
| 3.Жорий активлар рентабеллиги (RCA) | 28,03 | 2,52 | 7,25 | 0,65 | 43,94 | 3,95 |
| 4.Узоқ муддатли активлар рентабеллиги (RFA) | 97,14 | 6,80 | 14,14 | 0,99 | 27,59 | 1,93 |
| 5.Инвестициялар рентабеллиги (ROI) | 56,22 | 5,62 | 11,23 | 1,12 | 20,45 | 2,05 |
| 6.Сотиш рентабеллиги (ROS) | 17,18 | 2,75 | 10,58 | 1,69 | 34,43 | 5,51 |
| 7.Маҳсулот рентабеллиги (ROM) | 12,59 | 1,13 | 7,94 | 0,71 | 22,7 | 2,04 |
| 8.Соф рентабеллик | 10,43 | 0,42 | 7,10 | 0,28 | 14,88 | 0,60 |
| 9.Ишлаб чиқариш рентабеллиги | 20,74 | 1,66 | 11,83 | 0,95 | 52,52 | 4,20 |
| 10.Товар моддий захиралар рентабеллиги | 43,15 | 0,43 | 10,99 | 0,11 | 94,89 | 0,95 |
| 11.Асосий фаолият рентабеллиги | 17,18 | 0,17 | 10,58 | 0,11 | 34,43 | 0,34 |
| 12.Асосий воситалар рентабеллиги | 1,08 | 0,01 | 0,16 | 0,002 | 1,75 | 0,02 |
| Рентабелликнинг жамланма кўрсаткичи: | | 34,81 | | 9,33 | | 30,84 |

Демак, дастурни қўллаш натижасида, 12 та рентабеллик кўрсаткичлари асосида рентабелликнинг жамланма кўрсаткичи аниқланди. Бунда, «G'alla Alteg» АЖ (34,81 %) ва «Toshkentvino Kombinati» АЖ (30,84 %) рентабелликнинг жамланма кўрсаткичи юқори натижани кўрсатди, аксинча, «Toshkent Yog'-Moy Kombinati» АЖ (9,33 %) ўртача деган хулосага келинди.

Диссертациянинг «Молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлилини такомиллаштириш» номли учинчи бобида халқаро стандартлар асосида

²⁵Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

молиявий натижалар таҳлили ахборот таъминотини мукамаллаштириш ҳамда акциядорлик жамиятларида рентабеллик таҳлил моделларини қўллашни такомиллаштириш йўналишлари келтириб ўтилган.

Молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобининг энг йирик объектларидан бири ҳисобланади. Мазкур тоифадаги объектларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида счётлар режасида 9000-9900 счётлар гуруҳида кўплаб счётлар келтириб ўтилган. Счётлар таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, бошқа операцион даромадлар таркибида бир қанча счётлардан фойдаланиш тавсия этилганлигига гувоҳ бўламиз. «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 21-сон БҲМСда жами 9 та счётдан фойдаланиш тавсия этилган. Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти томонидан йиллик молиявий ҳисобот тузишдан олдин, шунингдек бошқа ҳолатларда инвентаризация ўтказилади. Кўп ҳолатларда инвентаризация натижасида ортиқча товар-моддий захиралар аниқланади ва у 9390-«Бошқа операцион даромадлар» счётида акс эттирилади. Бирок, амалиётда асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар, умумишлаб чиқариш омборларида, шунингдек тугалланмаган ишлаб чиқариш жараёнида ортиқча товар-моддий захиралар кўп аниқланади. Шу боис бухгалтерия ҳисобида мазкур ҳолатлар учун алоҳида 9221-«Ортиқча товар-моддий захираларнинг кирим қилинишидан олинган фойда» ишчи счётини очиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Мазкур ишчи счёт акциядорлик жамиятларида товар-моддий захиралар устидан қатъий назорат ўрнатилишига ва молиявий натижаларнинг тўғри аниқланишига хизмат қилади.

Ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг манфаатларини қондириш мақсадида молиявий натижалар таҳлилинини мунтазам такомиллаштириш бориш талаб этилади. Жаҳон мамлакатлари амалиётида молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг жорий этилиши таҳлил услубиятини яна бир бор кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига кўра молиявий натижалар билан боғлиқ 2 та ҳисобот шаклидан бирини тўлдириш талаб этилади: фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот ва ялпи даромад тўғрисида ҳисобот. Мазкур 2 та ҳисобот шаклининг фарқи шундаки, ялпи даромад тўғрисида ҳисобот батафсилроқ бўлиб, у ўз ичига йил давомидаги бошқа ялпи даромадни ҳам қамраб олади.

Ялпи даромад тўғрисидаги ҳисобот икки қисмдан иборат: даромадлар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, бошқа ялпи даромад тўғрисидаги ҳисобот (тақсимланмаган фойдага таъсир кўрсатадиган, аммо даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмаган, масалан, қайта баҳолаш захирасидаги ўзгаришлар, эълон қилинган дивидендлар ва ҳк. бўлимлар).

Ялпи даромад тўғрисидаги ҳисоботда харажатларни таснифлаш уларнинг табиати ва вазифалари бўйича амалга оширилади.

Ялпи даромад тўғрисидаги ҳисоботда даромад ва харажатларнинг минимал рўйхати акс эттирилиши керак. Молиявий натижаларни тушуниш учун, агар зарур бўлса, корхона ушбу моддаларни очиб бериши керак.

МҲХС асосида ялпи даромад тўрисидаги ҳисоботни таркибини «Урганч ёғ-мой» акциядорлик жамияти мисолида кўриб чиқамиз (4-жадвал).

4-жадвалдан кўришиб турибдики, корхонанинг тушуми 2019 йилда 241 840,6 млн.сўмни ташкил этган. Таннархни айириш ҳисобига корхонанинг ялпи фойдаси 62 521,6 млн. сўмни ташкил этган. Эътиборли жиҳати шундаки, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан тушум миқдори юқори бўлишига қарамай, таннарх миқдори ошиши натижасида ялпи фойда 27 380,8 млн.сўмга кам бўлган.

2019 йилда корхона молиявий фаолиятдан ва хорижий валюта курси ҳисобига даромад кўришига қарамасдан фоиз кўринишидаги харажатлар ҳисобига солиқ тўлагунга қадар фойдаси 31 732,0 млн.сўмни ташкил этган.

4-жадвал

«Урганч ёғ-мой» акциядорлик жамиятининг ялпи даромади тўғрисидаги ҳисоботи, минг сўм²⁶

| Кўрсаткичлар | 2019 йил | 2018 йил |
|--|-------------------|-------------------|
| Тушум | 241 840 586 | 226 728 272 |
| Сотиш таннархи | (179 319 004) | (136825 863) |
| Ялпи фойда | 62 521 582 | 89 902 409 |
| Сотиш харажатлари | (3 404 374) | (2 247 485) |
| Маъмурий харажатлар | (5 583 552) | (4 263 246) |
| Бошқа операцион харажатлар | (22 650 554) | (35 070 865) |
